

«Нефт махсулотларини етказиб бериш ҳақидаги
ШАРТНОМА

№ 06.01 2022 й.

Навоий шаҳри

«Махсулот етказиб берувчи» деб аталувчи «Навоий нефть базаси» масъулияти чекланган жамияти номидан унга 2021 йил 30 декабрда берилган 01-12/01-1507-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Сотниш бўлими бошлиғи Ғ.Эсанов бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи номидан

Кудрат асосидаги юритувчи А.Мамажумов номидан иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Махсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмасига мувофиқ тегишли русум ва миқдордаги нефть махсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса нефть махсулотлари учун олдиндан ҳақини тўлаб қабул қилиб олиш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.

1.2. Етказиб бериладиган нефть махсулотлари миқдори, баҳоси ва муддатлари куйидаги жадвалда белгилаб қўйилади.

Махсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Нархи (қўшимча қиймат солиғи билан)	Миқдори	Суммаси	Етказиб бериш даври
<u>Дибро</u>	<u>ТМ</u>	<u>9688761</u>	<u>2.0.</u>	<u>19377522</u>	

2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. «Махсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб рақамига «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть махсулотлари учун олдиндан 100 фоиз тўловлар келиб тушгандан сўнг нефть махсулотлари етказиб берилади.

2.2. «Истеъмолчи»да нефть махсулотларини сақлаш учун идоравий нефть омбори ҳамда нефть махсулотларини ташиниш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефть махсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда махсулотни топшириш ва қабул қилиш «Махсулот етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Махсулот «Махсулот етказиб берувчи»нинг омборидан «Истеъмолчи»нинг вақили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана «Махсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Истеъмолчи»нинг махсус автотранспорт воситаси ва ситими «Хавфли юкларни ташиниш қондилагани»га ҳамда 1510-84 сонли Давлат стандарти шартларига мувофиқ жиҳозланган бўлиши лозим. Акс ҳолда автотранспорт воситалари нефть омбори ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть махсулотлари куйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг буш келиб-кейтиши учун «Махсулот етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

2.3. Нефть махсулотлари «Истеъмолчи»га унинг вақили кузатувида «Махсулот етказиб берувчи»нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, автоснинг копкиги ГОСТ 1510 асосида «Истеъмолчи» вақилининг талабга мувофиқ тамгаланган. Махсулотни топшириш ва қабул қилиш «Махсулот етказиб берувчи»нинг нефть омборида амалга оширилади. Товар-транспорт нақлиёти расмийлаштирилган сана «Махсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.4. Нефть махсулотлари «Махсулот етказиб берувчи»га тегишли бўлган ёнилги тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун «Истеъмолчи»нинг ишончномасига мувофиқ махсулотни ёкилги тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома «Истеъмолчи»нинг вақили томонидан ёнилги тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шахобча оператори ўз навбатида тарқатиш-варақаси юритилади. «Истеъмолчи» вақилига берилган махсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида «Истеъмолчи»нинг вақилининг махсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Махсулот етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. «Харидор»нинг вақили нефть махсулотларини олаётган вақтда махсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади. Махсулот юкчанган автотранспорт воситаси «Харидор» вақили кузатувида «Махсулот етказиб берувчи»нинг нефть омбори ҳудудидан чиқарилгандан сўнг махсулот миқдори ва сифати бўйича жавобгарлик ва махсулотга эгалик ҳуқуқи, тасолифий нобуд бўлиши, нефть махсулотларига зиён етиш хавфи «Харидор» зиммасига ўтади. «Харидор» вақили кузатувида олиб кетилган махсулот миқдори ва сифати бўйича эътироз қабул қилинмайди.

3. ЎЗАРО ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 19377522 сўмни ташкил қилади.
-тўловлар куйидаги манбалардан амалга оширилади:

Маъжуот маблағлари ҳисобидан _____ сўм;
Махсус ҳисоб рақамдан _____ сўм.

3.2. Ушбу шартнома махсулот етказиб бериш ва ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос бўлади.

3.3. Бюджет ташкилотларига, пахта хомашеси ва галла ишлаб чиқарувчи фермер ҳўжалиқларига ва пахта-тўқимачилик кластерларига, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Тошхавартранسخизмаг» АЖ, маиший чикидилари тўлаш ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналари (истеъмолчиларнинг айрим тоифалари)га дизел ёкилгиси (шу жумладан ЭКО маркази дизел ёкилгиси) ўрнатилган тартибда биржа савдолари натижаларига кўра шакланган ўртача биржа нархларида сотилади.

3.4. Ушбу шартноманинг 3.3. бандида назарда тутилган айрим тоифадаги истеъмолчилардан ташқари бошқа истеъмолчиларга махсулот етказиб берилиши санасида нефть базада шакланган сотиш нархида махсулот етказиб берилади.

3.5. «Истеъмолчи» нефть махсулотларининг харид қилинадиган партиясини учун ҳақини олдиндан 100 фоиз миқдорда «Махсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига тўлайди. Олдиндан тўлов пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Пул маблағи «Махсулот етказиб берувчи»нинг ҳисоб рақамига келиб тушгач махсулот етказиб берилади.

3.6. Мазкур шартномада шартнома тузиллиши жараёнида ва санасида амалда бўлган нархи қўлланилган бўлиб, ўзаро ҳисоб китоблар махсулотни «Истеъмолчи»га етказиб берилиши санасида амалда бўлган нархларда амалга оширилади.

3.7. Хар ойнинг якуни бўйича ўзаро ҳисоб китобларни таккослаш учун «Истеъмолчи» вақилини «Махсулот етказиб берувчи»нинг ҳузурига юборади. Якуний ҳисоб китоблар учун счег-фактура асос бўлади.

4. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

4.1. «Махсулот етказиб берувчи» «Харидор»га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефтьмахсулотларини етказиб бериши кафолатлайди. Етказиб бериладиган нефть махсулотларининг сифатига оид маълумотлар махсулот етказиб берилиши жараёнида тақдим қилинадиган сифат паспортда кайд этилади. Махсулот Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши лозим.

4.2. Нефть махсулотларини олишда «Харидор» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. ТАРАФЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар етказиб берилган нефть махсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб

бермаган тақдирда, «Маҳсулот етказиб берувчи» сифати зарур даражада бўлмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Нефть маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Маҳсулот етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурийат бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. «Истеъмолчи» га етказиб берилган нефть маҳсулотларини ташлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда маҳсулотни олишни асосан равишда рад этганлик учун «Истеъмолчи» маҳсулот етказиб берувчи га ташлаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) маҳсулотлар қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Маҳсулотлар ташлаб олинмаган (олиш асосан рад этилган) ҳолларда, «Маҳсулот етказиб берувчи» жарима ундиришдан ташқари, ушбу маҳсулотлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, ташлаб олинмаган (ўз муддатда олинмаган) маҳсулот лар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Етказиб берилган нефть маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда «Истеъмолчи» «Маҳсулот етказиб берувчи»га муддатли кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадир.

5.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги «Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритилган бошқа шахсларга («Иштирокчи Томонлар») моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, тақлифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совгаллар ва бошқа мулквий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермаслиқни яъни, молдавий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини тақлиф қилмаслиқни, бермаслиқни кафолатлайди ва шунга мажбур.

- бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Слётат ва Қондалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

5. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

5.1. Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зиқила, кўчки, бўрон, курғокчилик ва бошқалар) ёки иқтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни таққиллаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шартноларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фақуллода, олдинки олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар содир бўлганлиги, шунингдек Қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги тўғрисида бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳужжатлар асосида исботланса жавобгарлик санкциялари қўлланилмайди.

5.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўққинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

5.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича қилинган келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қондала кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари хузурида ташкил

этилидиган энгб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судга ҳал этиш чора-тадбирларини кўради.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича қилинган келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қондала кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўради. Жумладан ёзма тарзда эътироз хати юбориш шарт. Эзоги билан бир ойлик муддат ичида эътироз хати рад этилса ёки эътироз хати жавобсиз қолдирилса қилинган келишмовчилик ва низолар жавобгар қойлашган жойдаги иқтисодий судга ҳал қилинади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИНИШИ

7.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги, газначилик бошқармаси (бўлими)да қайд этилиши шарт бўлса, газначиликда рўйхатдан ўтказилган санадан юридик кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кунининг якунини қалдар амалда бўлади.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин. Шартнома қонун ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилинганлиги тўғрисида бир томонлама «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади.

8.3. Шартнома икки нусхадан тўзилиб, тарафларда бир нусхадан сақланади ва иккала нусхалари ҳам тенг юридик кучга эгадир.

9. Томонларнинг юридик манзили

«Маҳсулот етказиб берувчи»
Навоий шаҳри, Лермонтов кўчаси 4 уй
Х/с: 2260400000306107702
«АТБ» Саноатқурилишбанк Тошкент шаҳар

Филлиали
МФФ: 00432 / ЦУП: 200002538
Тел. рақами: Сотил бўлим 78-770-36-43;
Бухгалтерия 78-770-34-04.
Ф.Эсанов
М.У. (имзо) (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги «Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ
VA TELEKOMMUNIKATSİYALAR SOHASIDA
NAZORAT BO'YICHA DAVLAT INSPEKSIYASI
100128, Toshkent shahar, Shayxontohur tumani,
Labzak mahallasi, 136-uy. Tel/faks: 71 202-69-80
Sh/h: 4010 1086 0262 7770 4610 2078 001
SIFR: 000 540 684 IFUT: 84119
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi
BO'YICHA 2340 2000 3001 0000 1010
Toshkent shahar, Shayxontohur tumani,
Labzak mahallasi, 136-uy. Tel/faks: 71 202-69-80
SIFR: 000 540 684 IFUT: 84119



Кереси: Ш.Пирматов